

# ЖАЛІК СЎЗІ



1991 йил 1 январдан  
чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

13 май, шанба, 1995 йил  
Сотувда эркин нархда. № 90 (1092)

## ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

12 май куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Тошкент ва Ўрта Осиё архиепископи ҳазрат Владимирни унинг илтимосига биноан қабул қилди.

Ислам Каримов дин аҳлининг мамлакатимизда тинчлик ва барқарорликни, умуминсоний қадриятларни, фуқаролар ўртасида тотувликни мустақамлаш йўлидаги ишларига юксак баҳо берар экан, янги жамият барпо этишда уларнинг муҳим ўрин тутишини қайд этди.

Ҳазрат Владимир самимий қабул учун миннатдорлик билдирди. У Ўзбекистон раҳбариятининг имон-эътиқодни тиклаш, фаровон турмуш яратиш, миллати, дини, эътиқодидан қатъи назар мамлакатимиз фуқароларининг дўстлиги ва аҳиллигини мустақамлаш сиёсатини қўллаб-қувватлашини билдирди, православ черкови бу савоб ишда муносиб ҳисса қўшиш тарафдори эканини таъкидлади.



(ЎЗА). СУРАТДА: қабул пайти.

Р. НУРИДДИНОВ тасвирга олган.

## ЧИРЧИҚ ШАҲРИ МЕҲНАТКАШЛАРИГА

Қадри дўстлар, азиз биродарлар!

Чирчиқ шаҳри ташкил этилганлигининг 60 йиллиги билан барчангизни самимий кутлайман.

Ўзбекистон саноатининг дастлабки пойдеворлари барпо этилган бу гўзал маскан меҳнати аҳлининг ғайрат-шижоати билан бунёд этилди, гуркираб ўсди, ривожланди, салмоқли тараққиёт йўлини босиб ўтди.

Шаҳар корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳ-

сулотлар жаҳоннинг қўпгина мамлакатларида машҳур. Чирчиқлик кимёгарлар, машинасозлар, энергетиклар, металлурлар, қурувчилар ва барча меҳнаткашлар қадрон шаҳарларининг камолот ёши билан фахрланса арзийди.

Чирчиқ — мустақил мамлакатимиз халқлари ўртасидаги чинакам дўстлик, аҳиллик ва уюшқоқлик, она Ватанга садоқат ва фидойилик рамзидир. Бугун бу навқирон шаҳарда 70 дан ортиқ миллат

вакиллари ягона оила фарзандларидек елкама-елка меҳнат қилиб, халқ ҳужалигини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Сизларга, қадри биродарлар, сизга-саломатлик ва хотиржамлик тилайман.

Хонадонингиздан осойишталик, бахт-саодат ва омад ҳеч қачон аримасин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,  
1995 йил 12 май.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ ТОШКЕНТ ВИПОЯТИ ЧИРЧИҚ ШАҲАР МЕҲНАТКАШЛАРИДАН БИР ГУРУҲНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Республиканинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига қўшаётган ҳиссаси, халқ ҳужалиги тармоқларидаги фидокорона хизмати ҳамда жамоат ҳаётида фаол иштирок этишга унвон қўйиладиганларга фахрий унвонлар берилсин:

### «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН САНОАТ ХОДИМИ»

Акрамов Баҳодир Комилевич — «Электромехсанот» ишлаб чиқариш бирлашмаси катализатор цехининг бошлиғи  
Волгин Виктор Алексеевич — «Ўзбеккимёш» ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раиси

Жамбаев Ботирали Жумабаевич — Ўзбекистон ўтга чидамли ва қийин эрийдиган металллар комбинатининг аппаратчиси

### «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ҚУРУВЧИ»

Абдухамидов Фарҳод Абдусаматович — «Чирчиққурилиш» ҳиссадорлик жамияти кенашчи раиси

Бегматов Ниятжон Бегматович — «Чирчиқ қурилиш ашёлари ва металл қурилмалари» ҳиссадорлик жамияти бошқарувининг раиси

Шуравин Юрий Алексеевич — «Чирчиққурилиш» ҳиссадорлик жамияти темир-бетон йиғувчиси

### «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ХАЛҚ МАОРИФИ ХОДИМИ»

Муродова Клара Муҳамедовна — Чирчиқ шаҳридаги 12-ўрта мактаб ўқитувчиси

### «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН СОҒЛИҚНИ САКЛАШ ХОДИМИ»

Қодирова Октяброн — Чирчиқ шаҳар саноат корхоналари бирлашган шифохонаси кўз касалликлари бўлимининг муdiri

### ВА ҚУЙИДАГИЛАР ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАНДИ:

Азизжон Дониёр Тошқужаевич — Чирчиқ шаҳар ҳокими

Асанов Имрон Якубович — «Ўзбеккимёш» ҳиссадорлик жамияти темир йўл цехи бошлиғи

Ибрагимов Мамлакат Мирпайизовна — Чирчиқ шаҳар туғруқхонасининг акушер-гинеколог

Исломов Собир — Чирчиқ шаҳар коммунал-фойдаланиш бошқармасининг автомобиль ҳайдовчиси

Кадников Анатолий Алексеевич — «Трансформатор» заводининг йиғувчи-созловчиси

Кулагина Людмила Дмитриевна — «Капролактан» қўшма корхонасининг лаборанти

Ким Ирина Николаевна — «Гунча» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг бичувчиси

Маёкубов Тулдин Каримович — «Чирчиққимёш» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директорининг ўринбосари

Расулов Тўғон Камолович — «Ўзроқурилишмеханизация» трести 424-сон қўшма колоннасининг бош муҳандиси

Тиллаев Аъзам Тиллаевич — «Бахт» ҳиссадорлик жамияти раисининг ўринбосари

Тонях Надежда Ивановна — пенсионер

Шарипов Наим Фармонович — «Чирчиққурилиш» ҳиссадорлик жамияти ижрочи директорининг ўринбосари

Шиварев Александр Николаевич — Ўзбекистон ўтга чидамли ва қийин эрийдиган металллар комбинатининг фрезерчиси

Эгамбердиев Дадахон Жўраевич — «Электромехсанот» ишлаб чиқариш бирлашмасининг аппаратчиси

Ёкубов Фаттоҳ Ғофурович — пенсионер

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,  
1995 йил 11 май.

## МАҚСАД — АРЗОН ВА ИҚЛИМИМИЗГА МОС ТУРАР ЖОЙЛАР ҚУРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони билан ҳалқ ҳужалигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида

Корхона ва ташкилотларнинг молиявий аҳволини мустақамлаш, етказиб берилган маҳсулот, бажарилган ишлар ва хизматлар учун истеъмолчиларнинг ўз вақтида ҳисоб-китоб қилишларини таъминлаш, халқ ҳужалигида тўлов интизомининг аҳволи учун раҳбарларнинг масъулиятини ошириш мақсадида:

1. Барча мулкчилик шаклидаги ҳужалик юритувчи субъектларнинг истеъмолчилар ва буюртмачиларга, агар улар етказиб берилган (бажарилган) ишлар, хизматлар) қийматининг камида 15 фоизини олинган тўламасалар, маҳсулот жўнатиши, ишларни бажариши ва хизматлар қўрсатиши таъкидлансин.

2. Товарлар амалда жўнатилган, ишлар бажарилган, хизматлар қўрсатилган кундан бошлаб олтимиш кун ўтгандан кейин, етказиб берилган товарлар, қўрсатилган хизматлар ва бажарилган ишлар учун маблағлар келиб тушмаганлиги мuddати ўтиб кетган дебиторлик қарзи деб ҳисоблансин.

Мuddати ўтиб кетган дебиторлик қарзи мавжудлигига йўл қўяётган корхона раҳбарлари ва бош бухгалтерларига нисбатан жуда қаттиқ маъмурий ва моддий жавобгарлик чоралари, ҳатто жиноий жавобгарликка тортиш чораси қўлланилсин.

3. Ўзбекистон Республикасининг Прокуратураси тўлов қобилиятига эга бўлмаган истеъмолчиларга маҳсулот етказиб бераётган (ишлар, хизматларни бажараётган) мансабдор шахсларни жавобгарликка, шу жумладан жиноий жавобгарликка тортиш устидан назоратни кучайтирсин.

4. Белгилаб қўйилсинки, солиқ идоралари: мuddати ўтиб кетган дебиторлик қарзи мавжуд бўлган тақдирда барча мулкчилик шаклидаги корхона ва ташкилотларнинг раҳбарларига, шунингдек мазкур корхоналарнинг бош бухгалтерларига; корхоналарнинг ҳисоб варақларида тегишли маблағлар мавжуд бўлгани ҳолда тўловларни ўтказишининг белгиланган мuddатларини бузган тижорат банклари филиалларининг раҳбарларига ва бош бухгалтерларига энг оз иш ҳақи миқдорининг беш бараваридан етти бараваригача миқдорда маъмурий жарима соладилар.

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тижорат банкларининг тўловларни ўз вақтида ўтказишлари ва уларнинг ўзаро ҳисоб варақларининг ҳолати устидан доимий назоратни таъминласин, корхоналарнинг ҳисоб варақларидан тўловлар ўтказилишини кечиктиришга мунтазам суратда йўл қўяётган тижорат банкларининг филиалларини тутатишгача бўлган чораларни кўрсин.

6. Ўзбекистон Республикасининг Истиқболни белгилаш ва статистика давлат қўмитаси вазирликлари, давлат қўмиталарининг ҳамда бошқа давлат ва ҳужалик бошқаруви идораларининг корхоналар ва ташкилотлар бўйича дебиторлик-кредиторлик қарзи, шу жумладан мuddати ўтиб кетган қарздорлик ҳолати тўғрисида ҳар ойлик статистика ҳисоботини ишлаб чиқсин ва 1995 йилнинг июлидан жорий этсин.

7. Ўзбекистон Республикасининг Олий ҳужалик суди Ўзбекистон Республикасининг Прокуратураси, Давлат мулки қўмитаси ва Адлия вазирлиги билан биргаликда тўлов қобилиятига эга бўлмаган ҳужалик субъектларининг касодга ураганлиги тўғрисида белгиланган тартибда ишларни қўзғатиш борасидаги фаолиятини кучайтирсин.

8. Ўзбекистон Республикасининг Адлия вазирлиги амалдаги қонунларга мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритишга оид таклифларни бир ҳафта мuddат ичида Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

9. Ушбу Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти  
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,  
1995 йил 12 май

## Иқтисодийёт чорраҳаларида ТОҒ БАҒРИДАГИ КОРХОНА

Денгиз сатҳидан салкам 1100 метр баландликдаги Зарафшон тизма тоғлари бағрида қудратли техникалар шоққини эшитила бошлаганига уч йилдан ошди. Бу ерда қазиб олинётган мрамар тайёр маҳсулотга айланттирилиб, мамлакатимизнинг турли бурчақларига жўнатиламоқда.

Ушбу корхона учун лойиҳа-смета ҳужжатлари 1991 йилда тайёрланган эди. 1992 йилда ҳомийликни ўз зиммасига олган «Шўртангаз» газ конлари бошқармаси асосий ишларни бошлаб юборди. Дастлаб йўл, электр энергияси тортинди. Сўнг ишлаб чиқариш цехи қад ростлади. Польшада тайёрланган уй-вагонлар қурувчилар учун бошлана бўлди.

1993 йилда эса асосий цех қуриб битказилди. Бу орада Италиянинг «Италматик»

фирмасидан ускуналар ҳам сотиб олинган эди. Уларни италиялик мутахасссларнинг ўзлари ўрнатиб, монтаж қилиб беришти. Уша йили дастлабки маҳсулот — мрамар плитаси ишлаб чиқарилди.

Энг муҳими — тоғ бағридаги корхона туфайли атоқли қишлоқлардаги қарийб 50 киши иш билан таъминланди. Қуни кеча тоғу қирликларда қўй-қўзи боқиб юрган ўсимирлар эндиликда Италия дастоҳларини мо-

бонсдан пилта тайёрловчиларга иккита карьердан узлуксиз мрамар блоклари етказиб берилди. Учинчи карьердан эса лахта тошлар қазиб олинмоқда. Ҳозир Китоб ва унга қўшни туманларда қурилиш ишларида ана шу тошлардан кенг миқёсда фойдаланилмоқда.

Айни пайтда цехда иш икки сменада ташкил этилган. Ойлик маошлар ҳам яхши. Яқин вақт ичида цех тўла қувват билан ишлаб бошлайди. Натижада йилига 12 миң квадрат метр мрамар пилта тайёрлаш имконияти туғилади. Италия дастоҳларида кесилган бу плиталар жаҳон андозаларига мос келади.

Хали қурилиш давом

этапга. Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришга мўлжалланган яна бир цех эса битай деб қолди. Бу ерда мрамар ва сополдан ҳар хил совғабоп буюмлар ҳам тайёрланади.

Корхонада ободонлаштириш ва кўзаландириш ишларига ҳам катта эътибор берилмоқда. Утган йили 3 миң туплан зиёд турли мевали дарахт кўчатлари деинишди. Ажаб эмаски, вақти келиб Китобнинг бу тоғли гўшаси мрамарлари билангина эмас, ширин-шаккар мевалари билан ҳам машҳур бўлса...

Лола ҲОҚОВА.  
Китоб тумани.

## «ЎЗБЕКИСТОН» ТҮРТ ЮПДУЗЛИ МЕҲМОНХОНА БҮПАДИ

Дунёнинг турли мамлакатларидан турлимига таъриф буюраётган меҳмонларга қарий 20 йилдан бундан хизмат кўрсатаётган «Ўзбекистон» меҳмонхонаси кўп ўтмай янги макомга эга бўлади. «Ўзбектуризм» миллий компанияси ва Малайзиянинг «Кристалл Мист СДН Б. Х. Д.» фирмаси меҳмонхонани таъмирлаш учун қўшма корхона барпо этдилар.

Малайзия томони корхонанинг низоми жамғармасига ажратган 31,5 миллион доллар маблағни меҳмонхона мажмуини таъмирлаш, уни зарур ускуналар билан жиҳозлашга сарфлайди. Низоми жамғармасида Ўзбекистон ҳиссаси 21 миллион доллар бўлиб, у меҳмонхона мажмуини бинолари, инфраструктураси шаклида киритилади.

Яқин орада ташлов асосида меҳмонхонани таъмирлашнинг энг оқилона лойиҳаси аниқланади. Аҳамиятли жойи шундаки, таъмир босқичма-босқич ўтказилиши боис пойтахтимиздаги муҳташам меҳмонхона сайёҳларни қабул қилишда давом этади. Лойиҳа амалга ошгач, «Ўзбекистон» меҳмонларга замонавий талаблар даражасида хизмат кўрсатадиган түрт юпдузли меҳмонхона бўлади.

(ЎЗА).

(ЎЗА).



TV ХАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР TV

ДУШАНБА, 15

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви. 18.10 Мультифильм. 18.20 «Ёшлик» студияси. «Яхшиларга эргашиб».

ЎЗТВ II

«Тошкент» студияси таништирилади: 18.30 Болалар учун. «Кўзгунчоқ».

ЎЗТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ 17.10—18.40 Туркия телевидениеси.

18.40 «Мультикарусель». 18.55 «Бозор иқтисодиёти сабоқлари».

«ОМАД» таништирилади: 19.30 «Совга».

19.30 «Совга». 20.00 «4/8». Мусиқий кўрсатув. 20.20 Жаҳон географияси.

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ 17.55 «Тигиз пайт».

17.55 «Тигиз пайт». 18.15 «Алехка Кипч». Телесериал. 18.35 «Яшлар» (кинолента).

СЕПАНБА, 16

6.00—8.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.

8.00 «Метичара—денгиз жонивори». Бадий фильм.

9.25 «Ёшлик» студияси. «Мактубларнингизни ўқиб».

10.00 Немис тили. 10.30 Ўқув кўрсатуви. Физика.

11.00 Ўзбек мумтоз ашуллари. 11.30 Ўқув кўрсатуви. Зоология.

12.00—14.00 «Биз танлаган йўл». Видеоканал.

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.

18.10 «Кичкинтой» студияси. «Дано бобо даврасида».

18.40 «Қуқуқий жамият сари». 18.55 «Шифокор бўлай дегман».

19.25 Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).

19.50 Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).

19.55 Бир асар тарихи. Ойбек. «Наҳий».

20.40 Оқшом эртақлари. 20.55 Ўзбекистон» ахбороти.

21.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 21.25 Ўзбекистон» ахбороти.

21.50 «Мен тутилган тупроқ». 22.10 «Олтин мерос». Халқ артисти Аббос Бақиров.

23.10—23.35 «Ўзбекистон» ахбороти.

ЎЗТВ II «ОМАД» таништирилади: 18.30 «Мультикарусель».

18.30 «Мультикарусель». 19.00 «Табият дунёси».

19.50 Ингиликлар. 19.55 «Хуеуейлаштириш: қадим-бақадим».

20.13 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Ўзбекистон» ахбороти.

20.40 Видеогид. 21.00 «Теле-ателье-шоу».

21.10 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Ўзбекистон» ахбороти.

21.50—23.30 «Кинонигоҳ». ЎЗТВ III ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ 17.10—18.40 Туркия телевидениеси.

ЧОРШАНБА, 17

6.00—8.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.

8.00 «Яшаш учун тутилганлар». Бадий фильм.

9.25 «Оламини асрагинг». 10.00 Адиббо сабоқлари.

10.30 Ўқув кўрсатуви. Адабиёт. 11.00 «Соғлом авлод учун».

11.20 «Ёшлик» студияси. «Факрилар—фахримиз».

12.10 «Кашф этилаётган имкониятлар».

12.40 «Сирли сандиқ». Телеуйин. 13.35 — 14.05 «Чорраҳа».

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.

18.10 Ўсимирлар учун. «Умид учкунлари».

18.45 «Исроҳот ва масъулият». 19.10 Шешарх дақиқалар.

19.25 Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).

19.50 Ўзбекистон» ахбороти. 19.55 Спорт хабарномаси.

20.05 «Хотира». Аҳмаджон Исmoilов. 20.40 Оқшом эртақлари.

20.55 Ўзбекистон» ахбороти. 21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.

21.25 Ўзбекистон» ахбороти. 21.30 Бевосита мулоқот.

22.20 «Яна Фармонбиби хонадонидан». Киноқўрсатув.

23.05—23.30 «Ўзбекистон» ахбороти.

ЎЗТВ II «Тошкент» студияси таништирилади: 18.30 «Ўз ҳақингда гапир...».

18.30 «Ўз ҳақингда гапир...». 19.00 «Едингдами, дустим...».

19.15 «Абдул ёдгорликлар». 19.45 «Дикқат, релетиция!».

20.25 «Тошкент оқшомидан». 21.25—23.05 «Кинематограф».

ПАЙШАНБА, 18

6.00 — 8.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.

8.00 «Бешинчи «Б» да ўқийдиган шумка». Бадий фильм.

9.25 «Ёшлик» студияси. «Муъжизалар оламида».

10.00 Ингилик тили. 10.30 Ўқув кўрсатуви. Ўзбекистон халқлари тарихи.

10.50 Ўсимирлар учун. «Садоқат». 12.20 Шифокор экрани.

12.25—14.45 «Маърифат» видеоканали.

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.

18.10 «Сехри мўйқалам». 18.30 «Тараққий».

18.50 «Санга олами». 19.25 Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).

19.50 Ўзбекистон» ахбороти. 19.55 «Кекса сангаторлар». Қўлимурод Хожиев.

20.20 «Юзма-юз». 20.40 Оқшом эртақлари.

20.55 Ўзбекистон» ахбороти. 21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.

21.25 Ўзбекистон» ахбороти. 21.30 Ўзбекистон телевидениесида илмий ахборот кўрсатуви.

22.00 «Олтин мерос». Мақсуд Шайхона. 23.10—23.35 «Ўзбекистон» ахбороти.

ЎЗТВ II «ОМАД» таништирилади: 18.30 «Омад» тақдими.

18.30 «Омад» тақдими. 18.40 «Козиб».

18.40 «Козиб». 19.00 «Бир шингил хангома».

19.10 «Ишингиз бароридан келсин».

19.20 «Мухаббатта ошно қалблар». 19.40 «Теле-ателье-шоу».

19.50 Видеоянгиликлар. 20.15 Янгиликлар.

20.20 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Ўзбекистон» ахбороти.

21.05 «Кинонигоҳ». 21.45—23.05 Жаҳон янгиликлари («Эм-Би-Си»).

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

5.00—8.00 «Телетонг».

18.00 «Тигиз пайт». 18.25 «Турмуш иқри-чикирлари».

Телесериал. 18.55 «Элаб, излаб». Кўрсатувни Г.Скорихов олиб боради.

19.40 Хайри тун, кичкинтойлар! 20.00 «Время».

20.40 «Москва, Кремль». 21.05—22.35 Кино асри. «Биз ҳеч қачон ўлмаймиз». Бадий фильм (Венгрия, 1991 й.).

ЖУМА, 19

6.00—8.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.

8.00 «Сакраш ҳуқуқи». Бадий фильм.

9.35 Ингилик тили. 10.05 «Ёшлик» студияси. «Талабалик килларим».

10.30 Ўқув кўрсатуви. Умумий биология.

11.00 «Қувноқ созим». Глизер номидagi республика мактаб-интернати ўқувчиларининг чиқиши.

11.35 «Қувқунгизни биласизми?». 12.05 «Гул қўп, чаман қўп».

12.35—13.05 Янги китоблар.

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.

18.10 «Визит». 18.45 «Алпомисл авлодлари».

Спорт кўрсатуви. 19.05 «Ўзбекистон «Мерседес»лари».

19.25 Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).

19.50 Ўзбекистон» ахбороти. 19.55 «Элим деб, юртим деб, ёниб яшаш керак!».

20.40 Оқшом эртақлари. 20.55 Ўзбекистон» ахбороти.

21.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 21.25 Ўзбекистон» ахбороти.

21.30 «Баҳор мангу қолади». Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Раҳматжон Қўрбонov иштирокида концерт. Халқлар Дустилик саройидан ёзиб олинган.

23.00 «Ёшлик» студияси. «Оталар сўзи—ақдингиз кўзи». 24.00—00.25 «Ўзбекистон» ахбороти.

ЎЗТВ II «Тошкент» студияси таништирилади: 18.30 «Экология ва ҳаёт».

18.30 «Экология ва ҳаёт». 19.00 «Билди қўйган яхши».

19.25 «Ўзбекистон» ахбороти. 20.00 «Филмлар ва тақдирлар».

20.00 «Филмлар ва тақдирлар». Киноқўрсатув (рус тилида).

20.40—22.15 «Қўстидилжа аёбланилар». Бадий фильм.

ЎЗТВ III ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ 17.10—18.40 Туркия телевидениеси.

18.40 «Мультикарусель». 18.55 Телефильм.

19.05 «Ушш даври иқтисодиёти». 19.25 «Санта-Барбара». Телевизион бадий фильм.

«ОМАД» таништирилади: 20.15—23.15 «СПОРТ ҚИТБА-СИ».

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ 5.00—8.00 «Телетонг».

18.00 «Тигиз пайт». 18.20 «Турмуш иқри-чикирлари».

Телесериал. 18.50 «Миннатюр».

19.00 «Людмила Касаткинанинг йиллари».

19.40 Хайри тун, кичкинтойлар! 20.00 «Время».

20.45 «Марюс». Телесериал. 2-фильм. 1-серия.

21.45 «Ривожлар». 22.05 — 22.45 «Барча юлдузлар кабареси».

«ОМАД» таништирилади: 19.45 «Панорама».

19.45 «Панорама». 20.15 «Осёй-компьютер».

20.45 Ўзбекистон» ахбороти. 20.50 «Даракчи».

21.00 Ўзбекистон» ахбороти. 21.05 Видео — «О».

22.45 — 00.15 Футбол. Финал. УЕФА кубоги. «Ювентус» — «Парма». Миландан кўрсатилади (Италия).

«Тошкент» студияси таништирилади:

18.30 Болалар учун. «Табассум».

19.10 «Мусиқий меҳмонхона». 20.10 «Хайвонот оламида».

20.30 «Оқ соя». 21.00 Эстрада жиллолари.

21.20—23.00 «Кинематограф».

ЎЗТВ III ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ 10.00 «Подיום».

10.20 «Ташрифлар ва тактифлар».

10.50 «Келинг, бир кулишайлик». 11.20 «Булоқлар кўз очганда».

11.50—12.30 «Биздан овоз ва обод Ватан қилин!».

17.10—18.40 Туркия телевидениеси.

18.40 «Мультикарусель». 18.55 «Нон таъми».

19.15 «Рангнамона» (тожик тилида).

19.55 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар».

20.20 «Кашфиётлар ва ихтиролар».

21.00 «Дилар» (қозоқ тилида).

21.40 «Би-Би-Си» янгиликлари. 21.50 «Эллада».

22.25 «Бу ажиб дунё». 22.45—22.55 «Си-Эн-Эн» янгиликлари.

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ 6.30—7.45 «Телетонг».

18.10 «Роҳибаларнинг оғи ерга тегмайди». Кинокомедия премьераси (Англия).

19.40 Хайри тун, кичкинтойлар! 20.00 «Время».

20.45 «Марюс». Телесериал. 2-фильм. 3-серия.

21.50 «Юракдан қўйилган хоҳлайман». Татьяна Матвеева куйлайди.

22.10 — 23.40 Футбол. Англия кубоги. Финал. «Манчестер Юнайтед» — «Эвертон». Англиядан кўрсатилади.

ЯКШАНБА, 21

6.00—8.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.

8.00 «Қувноқ сартлар». 8.45 Болалар киносеанси.

10.00 «Ёшлик» студияси. «Ватанимга хизмат қиламан». Кўрсатув ва концерт.

11.00 Футбол. Олимпиада ўйинларининг саралаш турнири. Қирғизистон—Ўзбекистон терма командалари.

12.30—14.30 «Нури қалажақ». Ўсимирлар видеоканали.

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Ўсимирлар учун. «Улғайиш поғоналари».

18.30 «Мультипанорама». 19.05 «Ойна жажонда...».

19.25 «Халқаном» (рус тилида). 20.00 Ўзбекистон» ахбороти.

20.05 «Яшаш ва оқшомидан». Мусиқий кўрсатув.

20.55 Ўзбекистон» ахбороти. 21.00 «Халқаном».

21.30 Ўзбекистон» ахбороти. 21.35 «Болалигим, сени соғиндим».

Юлдуз Усмоновнинг янги концерт дастури.

22.35 «Наштар» саҳифаларида. 23.00—23.30 «Халқаном».

ЎЗТВ II «ОМАД» таништирилади: 10.00 «Омад» тақдими.

10.00 «Омад» тақдими. 10.05 «Кунгил».

10.10 «Козиб».

10.30 «Бир шингил хангома».

10.40 «Ишингиз бароридан келсин».

10.50 «Мухаббатта ошно қалблар».

11.10 «Теле-ателье-шоу». 11.20 Видеоянгиликлар.



Гулистон трикотаж фабрикаси чевари Мамлакат Ҳайитова кунлик топириқларини ортиги билан бажармоқда.

ТАШКИЛОТ ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРХОНАДАН ҚУЙДАГИ ТОВАРЛАРНИ СОТАДИ
1. IBM PC/AT 386/387DX/4/40/170/5,25-3,5/SVGA/O.28/7"мышь" компьютери.

"На-Зар" ташкилоти пул ўтказиш йўли билан томат пастасини ҳамда 165x13 а/шиналарини, 205x70 а/шиналарини, 840x15, 220x508, 240x508, 260x508 а/шиналарини сотади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУ ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
Тошкент архитектура қурилиш институти 1995 йилда қуйдаги мутахассислар бўйича аспирантура ва докторантурага қабул эълон қилади:

АСПИРАНТУРАГА: Дифференциал тенгламалар. Эҳтимоллар назарияси ва математик статистика. Назария механика. Деформациялашувчан қаттиқ жисм механикаси.

ДОКТОРАНТУРАГА: Деформациялашувчан қаттиқ жисм механикаси. Қурилиш конструкциялари, бинар ва иншоотлар. Қурилиш материаллари ва бўумлари.

ТАШКИЛОТЧИЛАР: "Ўзқурилишматериаллари" давлат концерни; "Негус Экспо" фирмаси; "Ўзбеким Интернейшн" ҚК

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СПОРТ КОМИТЕТИ
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ИНСТИТУТИ
1995 йилда "Жисмоний тарбия, спорт машғулоти ва соғломлаштирувчи жисмоний тарбия назарияси ва усулияти" мутахассислиги бўйича ишлаб чиқаришдан ажралган ва ажралмаган ҳолда аспирантурага ҳамда докторантурага қабул эълон қилади.

Аспирантурага ҳужжатлар: 1-турга-25 майгача 2-турга-25 октябргача қабул қилинади
Кириш имтиҳонлари: 1-турда-1-30 июнгача 2-турда-1-30 ноябргача ўтказилади.

АМИР ТЕМУР НОМИДАГИ СТИПЕНДИЯ
Амир Темур таъаллуқининг 660 йиллигига тайёргарлик доирасида Жиззах вилоят ҳокимининг қарори билан буюк соҳибқирон номидаги стипендия таъсис этилади.

Мўҳтарам Жаҳоб Мадбуқкорлар!
Сиз моддий техника таъминот муаммоларингизни қаерда ҳал этишни биласизми? Йўқса, "Тошшаҳарулгуржисавдо" ҳиссдорлик жамиятига мурожаат қилинг.

"ҚУРИЛИШ ИНДУСТРИЯСИ-95"
2-ихтисослаштирилган кўрғазма 1995 йил, 16-20 май
Илғор фирмаларнинг янги таъхнология, қурилиш индустриясидаги замонавий йўналишлар билан танишув.

Ўзбекистон Республикаси Энергетика ва электрлиқтириш вазирлиги раҳбарияти ва жамоаси Хоразм электр тармоқларининг директори Шавкат Машираповга онаси

Ўзбекистон Республикаси Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг хайъати, маъмул жамоаси Самарқанд вилояти худудий коммунал-фойдаланиш бирлашмасининг бошлиғи М. Ф. Абдурамоновга ладарибуру

# Бир пиёла чой устида



**Абдуҳошим Исмоиловнинг гижжак ноалари киб бормаган бирор хонадон бўлмаса, ажаб эмас.**

— Мен ҳеч қачон маш-хурликни даъво қилмаганман. Халқимиз эътиборини яратган музикаларимиз эътибор билан тингларкан, мен бундан беҳад хурсандман. Санъатсевар халқимиз олдида бир умр таъзимдан ва яна қарздорлик юқини ҳар дақиқа ҳис этиб яшайман.

— Санъат сари илк қадимингиз ва устозларингиз ҳақида...

— Фарғонада қўшиқ айтмайдиган, ҳеч бўлмаса хиргой қилмайдиган одам топилмайди. Санъаткорлик аввал тақдир. Худо берган илоҳий мўъжиза. Қолаверса, оиламизда санъаткорлар тўлайгина. Раҳматли бобом уста Жума ўз даврининг катта санъаткорларидан эдилар. Акам Шарофиддин Исмоилов ҳам санъаткорлар. Билмадим, бизга бу «да-рд» волидамизнинг «но-лишларидан юққан»дир. Хуллас, мактабин тугатиб, Фарғона музика билим юртида ўқидим. У ерда менга М. Мадалиев, С. Дадажонов сингари санъат фидойилари устозлик қилдилар.

Бу орада таниқли

санъаткор И. Бўроновнинг назарига тушиб, Тошкентта — армия сафида хизмат қилиш учун келдим. Менинг пойтахтдаги ҳаётим бошланди. Илк музикаларни И. Бўронов ижро этган «Бўлмас» (Ж. Камол шеъри), «Тоғлиқ қиз» (Ҳ. Муҳаммад шеъри) номли қўшиқларга басталаганман. Армиядан сўнг бахтли тақдир Юнус Ражабийдек санъатимиз дарғасига учрашди. М. Муҳаммадов, Ф. Солиқов, О. Алимаҳсумов сингари устозлардан сабоқ олиш бахтига муяссар бўлдим. Мана қарийб йигирма йиллик, республика Телерадиокомпанияси қошидаги мақомчилар даста-сида хизмат қиламан. Қарийб ўн йилдан буюн мазкур дастага раҳбарлик қиламан.

— Халқ орасида бир гап юради: Абдуҳошим Исмоилов иш столида ўтирган пайтда энг яхши ёхуд энг хунук хабар айтсанг ҳам заррача эътибор қилмайди. Бу нима: фидойиликми, ёки сиз ҳақингиздаги оддий миш-мишлардан бирими?

— Бу гапда маълум ҳақиқат бор. Мен куй басталаётганимда ёки музика чалаётганимда борлиқини унутиб қўяман. Ўзим чалаётган му-

сиқага ўзим мафтун бўлиб қоламан. Назаримда, санъаткор ўз асарига ўзи мафтун бўлиб қолсагина бошқаларни мафтун эта олади. Нокамтарликка

деб ўйлайсиз?

— Фарб музикашунослик илмида жуда кўп алломалар мавжуд. Бетховен, Бах яратган симфонияларни бизнинг чолғучиларимиз ўзлари-

дай таъсир қилади. Мен ҳаргал чет элдан ўз юртимни, минг чандон севиб, соғиниб қайтаман.

— Ёши улуг кишилардан эшитганим бор: гижжакни

ланиш олиб бордик. Гижжак биринчи мартаба чолғу асбоблари билан биргаликда ака-ўка Ваҳобовларнинг қўшиқларида алоҳида нола қилди.

— Абдуҳошим ака, Сиз билан республика мақомчилар кўрғини ўтаётган кунларда учрашиб турибмиз. Ҳакамлар ҳайъати аъзоси сифатида мақомчилар ижросига берилётган баҳо адолатли бўлаётми, деб ўйлайсизми?

— Нима десам бўлади, биз баҳоларни нисбатан қўяялган пайтда мақомга меҳр қўйган ёшларимизни алоҳида тақдирлаш, табриклаш керак. Ажабмас, улардан О. Алимаҳсумовлар, Б. Давидовлар, С. Қобуловлар етишиб чиқса...

— Бўш вақтингизни қандай ўтказасиз?

— Э, санъаткорда бўш вақт нима қилсин!

— Оилангиз ҳақида.

— Турмуш ўртоғим тиббиёт ҳолими. Икки ўғлим бор.

— Фарзандларингизни санъаткор бўлишларини хоҳлардингизми?

— Аввало қайси касб эгаси бўлишмасин, мустақил юрт фидойиси бўлишини истайман. Қолаверса, санъат соҳасини танлашса, буюк санъаткор бўлса бошқа гап. Уртамиёна бўлса, бошқа касбнинг этагини тутгани маъқул.

— Армон ҳақида...

— Москвадаги «Большой» театри эшитгансиз. Ўша ерда классик қўшиқлардан тузилган концерт бўлса, чипталар бир ой олдин сотилиб бўлади. Кейин таниш-билиш қилиб ҳам чипта тополмайсиз. Бизда ҳам «Большой» театр билан Беллашадиган «Халқлар дўстлиги», «Туркистон»дай санъат саройларимиз бор. Қанийди, ана шу санъат қўшоналарида ўзбек классик музикаларидан, қўшиқларидан тузилган концерт бўлса. Ва биронта ҳам бўш ўрин қолмаган залда бутун орзу-армонларингиз но қилиб, сел бўлиб куй чалсанг...

— «Халқ сўзи» мушта-рийларига тилакларингиз?

— Юртимизда ҳозирғидай тинчлик барқарор бўлсин. Ҳар бир киши ўзи учун эмас, келажақ авлод учун янада самаралироқ иш қилсин. Оилаларда тинчлик-осойишта-лик ҳукмрон бўлсин.

Сўхбатдош: «Халқ сўзи» мухбири Мавжуда ТОЖИБОВ қизи.

## Юзма-юз ГИЖЖАК ПАРДАСИ ЮРАГИМ ПАРДАСИ БИЛАН УПАНИБ КЕТГАН.

дейди Ўзбекистон халқ артисти Абдуҳошим ИСМОИЛОВ



йўймангу, гижжак пардалари юрагим пардаларига улангандай туюлади менга.

— Санъаткорлар эътиборталаб бўлишди. Бу Абдуҳошим Исмоиловга ҳам хосми?

— Эътиборталаблик биргина санъаткорга хос эмас. У қайси касб эгаси бўлсин ўз ишига одамларнинг эътибор беришини хоҳлайди. Ўзгалардан эътибор талаб қилишдан олдин одамлар эътиборини жалб қилаларин асар яратиш керак.

— Сиз кўп мартаба чет элларда бўлгансиз. Олмону фаранглар ёхуд японларнинг ўзбек классик музикаларига муносабатлари қандай

Абдуҳошим дунёга келтирган. У гижжак чалса соз ҳам йиғлайди, ўзи-ю, тингловчи ҳам... Бу гап бежиз айтилмаган бўлса керак?

— Одамларнинг гаплари муболағали бўлсада, менга бўлган эътиборлари учун таъзимдан. Бироқ, мен ўзимни машҳур санъаткорман деёлмайман. Гижжакни дунёга келишига тўхтабсан, уни Абу Али ибн Сино ҳазратлари яратганлар, нота муаллифи эса ал-Фаробийдир. Гижжак ўзига хос чолғу асбоби. Тўғри, бундан 15—20 йиллар муқаддам гижжак умумий чолғу асбоблари билан бирга фойдаланилмасди. Унинг ноласи ажралиб қоларди. Биз бу борда из-

дан зиёда қилиб чалиб беришлари мумкин. Бироқ, улар бизнинг «Ушшоқ», «Гиря», «Чули ироқ»ни чалиб беришсин-чи! Мен чет элларда музика чалганимда улар ана шу куйларни қайта-қайта сўрашди. Сабаби пардалардаги нола ҳаммага бир-

дан зиёда қилиб чалиб беришлари мумкин. Бироқ, улар бизнинг «Ушшоқ», «Гиря», «Чули ироқ»ни чалиб беришсин-чи! Мен чет элларда музика чалганимда улар ана шу куйларни қайта-қайта сўрашди. Сабаби пардалардаги нола ҳаммага бир-

дан зиёда қилиб чалиб беришлари мумкин. Бироқ, улар бизнинг «Ушшоқ», «Гиря», «Чули ироқ»ни чалиб беришсин-чи! Мен чет элларда музика чалганимда улар ана шу куйларни қайта-қайта сўрашди. Сабаби пардалардаги нола ҳаммага бир-

дан зиёда қилиб чалиб беришлари мумкин. Бироқ, улар бизнинг «Ушшоқ», «Гиря», «Чули ироқ»ни чалиб беришсин-чи! Мен чет элларда музика чалганимда улар ана шу куйларни қайта-қайта сўрашди. Сабаби пардалардаги нола ҳаммага бир-

**КЎЛМИНГ ТИЛИМИЗНИ ҚАЙРАБ ОЛАЙДИК**  
Бир мақолда раҳм қилармиш  
Бу мақол халқнинг куйидаги насрий масалидан келиб чиққан: «Ит мушукка айтган эмиш: «Сен — энг раҳмизлардансан. Бечора мурак жўжалар сенинг дастиндан бундоқ очик ҳавога чиқиб, бир оз сайр ҳам қилмайдилар». «Ие, ҳали биз бераҳмлардан бўлиб қолдикми? Ўзингчи, ўзинг? Агар сен кийиларга раҳм қилганимда эди, мен ҳам жўжаларга раҳм қилардим, деган эмиш мушук». Хиёнатчи, жиноятчиларнинг сири фож бўлиб, қўлга тушиб қолганларида, ҳар қайсилари ўзларини оқлашга уринсалар, ўз айбларини кичик қилиб кўрсатиб, айбнинг каттасини шерикларининг буйнига қўйишга ҳаракат қилсалар, одамлар, «Булларнинг ҳаммаси ҳам бир-биридан баттар» деган маънода юқоридаги мақолни айтадилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасарруфидоги ўқув юртлири билан Ўзбекистон тарихи давлат музейи ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисида шартнома имзоланди. Мақсад ўқув юртлири талаба-ўқувчиларининг ватан тарихи, маданияти, миллий қадриятлари ҳақидаги билимларини мукамаллаштиришдан иборат.

Ҳамза номидаги ўзбек академик драма театри ижодий жамоаси фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 50 йиллигига бағишлаб ёзувчи Саид Аҳмаднинг «Уфқ» романини сўналаштирди. Асар премьерасида қатнашган театр мухлислари ва мухтаassisлар режиссёр, республикада хизмат кўрсатган санъат арбоби Олимжон Салимов маҳоратини юқори баҳоладилар.

**ШАНБАДА**  
**ЖУМАГАЧА**

Анджондаги Тўхтасин Жаиллов номи санъат билим юртида «Чаман» деб номланган янги ижодий маркази тузилди. У иқтидорли ўқувчилар билан юртининг ёш муаллимларидан ташкил топган. Марказнинг мақсади аҳоли орасида, айниқса ёшлар орасида Шарқ халқларининг музика мерослари, МДХ мамлакатларининг ва жаҳон халқларининг замонавий кўшиқ ва рақсларини, ёш истеъодларни аниқлашдан иборат.

Наманган вилоятининг Норин туманида, Ҳаққулоб шаҳрида тиббиётда ишлатилган пахта ишлаб чиқариш заводи курилиши бошланди. Лойиҳадаги қувағига қўра, қорхона йилгига беш минг тонна маҳсулот ишлаб чиқаради.

Ғалабанинг 50 йиллик тўйи муносабати билан Фарғонадаги республика ҳуқуқ лицейига милиция генерал майори Гуломжон Зокиров номи берилиб, унга ёлғорлик ҳайкали ўрнатилди. Бу бежиз эмас. Гуломжон Зокиров республика ҳуқуқ-тартибот органлари сафида самарали меҳнат қилиб, халқ ўртасида ҳурмат топди.

### ҲАДИСЛАР

Кимнинг қалбига Тағри инсониятга нисбатан раҳму шафқат ато этмаган бўлса, у энг зийнок бандидир.

Ҳақингни хоҳ мукаммал, хоҳ кам билан бўлса-да, ҳалол қилиб ол!

Мўмин кишида куйидаги икки хислат бўлмаслиги керак: бахиллик ва ахлоқсизлик.

### РУҲ УНГДА, ДИП ЧАПДА

Хар кун биз лоқаил бир зум кўзу олдига тўхтамаймиз, лекин чап томонимиз қандай, ўнг томонимиз қандай, улар мутаносибми деб раҳм соғинаймиз. Ҳомила она қорнида олти ойгиллик табииат бор хуларини унинг ўнг томонига ишлатган. Шу паллада чақоққонинг ўнг томони чапига нисбатан оғирроқ бўлади (асосан жигар вази қисомига). Кўпчилик кишиларда бош суягининг чап ярми ўнг қисмига нисбатан йиритроқ, юз суякларининг эса ўнг қисми сал дунтроқ ва чап ярмига нисбатан сал кенгроқ бўлади. Икк суягининг ҳам ўнг томони йўнроқдир. Хар тўрт кишидан учтасининг ўнг қўли нафақат бакуватроқ, балки узунроқ ҳадидир. Оёқлар ҳам мутаносиб эмас — ўнг оёқ одатда кучирроқ бўлади. Шу сабабдан одам текис ва ранон саҳида тўғри чизик бўйлаб ҳаракатлангани унингдан беҳтарлиги чап томонга (агар ўнг оёқ рижонланган бўлиб) оғиб кетаринди. Нета асар одамларнинг ўнг қўли моҳирроқ деган саволга тайин жавоб йўқ, лекин дигармага яқин назарни мавжуд. Аммо чапқайларнинг сони тобора камайиб кетаётгани шубҳасиздир. Масалан, археологик қазилмаларда топилган меҳнат қуролларига қараб фикр юритилса, тош даврида ҳар иккинчи киши, бронза даврига келиб ҳар тўртинчи киши чапқай бўлган деган хулосага келиш мумкин.

Умуман олганда, астрологларнинг фикрича, таъинимизнинг икки бўлаги икки хил йўригда талқин

Бир қиз руҳоний ёнига келиб шундай дебди:  
— Отаҳон, мен қаттиқ гуноҳкорман. Чунки ҳар кун ойнага қараб ўзимни жуذا ҳам чиройли эканлигимни сезаман...

— Буталогим, бу нарса гуноҳ эмас, бу шунгачи адашдингиз.

Божона назоратчиси хорижа кетаётган кишидан сўради:  
— Бу картина кимники?  
— Менинг автопортретим.  
— Нима, сиз Пикассомисиз?  
— Йўқ, унинг муносиб шогирдиман холос.

### «УЧҚУН» ЖУРНАЛИ

20-йилларда «Учқун» журнали бўлган дейишди. Шу ҳақда маълумот берсанглар.

Латиф ХОЛИМУРDOV, Тошкент шаҳри.

1920 йилда Москва шаҳрида «Марказий Шарқ нашриёти» ташкил қилинади. Мазкур нашриётнинг Туркистон бўлими 1923 йилда ўзбек тилида «Учқун» журналини нашр қила бошлайди. Унинг нусхаси 400 минг бўлиб, 96 саҳифадан иборат бўлган. 1924 йилда Ўрта Осиёда миллий давлат чегараланиш ўтказилганлиги туфайли Шарқ нашриёти, хусусан унинг Туркистон бўлими тугатилади. Ва шу боис «Учқун» журнали ҳам тугатилади.

### ДУНЁДАГИ ЭНГ КУҲНА ВА УЗУН КЎПРИК

Энг қадимий ва қўна кўприк қаседа жойлашган? И. НОРМЕЛЛЕВ, Сурхондарё вилояти.

Жаҳондаги энг қўна кўприк шумер тараққиёти даврида, мелоддан аввалги 3200 йилда барпо этилган. Бутунгача сақланган энг қадимий кўприк сифатида эса Туркиянинг Измир шаҳридан оқиб ўтувчи Мелес дарёси устига қурилган кўприк тилга олинади. Энг узун кўприк эса 1980 йилда Буюк Британиянинг Ҳамберсайд шаҳрида барпо этилган «Хамбер эстуари» кўпригидир. Унинг узунлиги — 2220 метрга тенг.

### ХАЛҚ СЎЗИ

НАРОДНОЕ СЛОВО

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Анвар ЖўРАБОВ.

• БУЛИМЛАР: Парламент 33-57-34; Халқаро 33-07-48; Қишлоқ хўжалиги 32-07-94; Иқтисодий 32-36-65; Маънавият 32-35-60; Аxbорот 32-29-89; Тўғри муҳарририят 33-10-28.

• МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.

Набатчи муҳаррир — Э. Болшев. Набатчи — Ф. Саиев.